# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 30 май, № 106 (8729) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 29 май куни «Асака» банки ва Бизнесни ривожлантириш банкининг инвестиция фаолияти ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга оид тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизда инвестиция жараёнлари фаол, иқтисодий лойиҳалар талай. Шунга мос равишда банкларнинг бундаги иштироки ортиб, инвестиция фаолияти кенгайиб бормоқда.

Тақдимотда "Асака" банки ва Бизнесни ривожлантириш банкининг шу борадаги жорий йилги режалари кўриб чиқилди.

Хусусан, "Асака" банки бу йил лойиҳаларга 2,1 миллиард доллар жалб қилиб, уларни тўлиқ ўзлаштиришни мақсад қилиб қўйган. Бундан ташқари, фармацевтика ва автомобиль саноатида жами 3 миллиард долларлик лойиҳалар шакллантирилган.

Шунингдек, "Асака" банки иштирокида 285 минг аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мўлжалланган.

Бизнесни ривожлантириш банкининг тақдимотига кўра 2024 йилда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастурлари ва инвестиция лойиҳаларига жами 1,5 миллиард доллар жалб қилинади. Шундан 225 миллион доллари халқаро молия институтларидан олиб келинади. Ушбу маблағларни ўзлаштириш орқали йил якунигача жами 47 мингдан ортиқ микролойиҳалар амалга оширилади.

Шунингдек, аҳолининг бизнес ғояларини молиялаштириш орқали 380 мингта ўзини ўзи банд қилган шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Банкнинг ўқитиш дастурлари билан 70 мингдан ортиқ аҳолини қамраб олиш белгиланган.

Давлатимизнинг фаол ташқи сиёсати натижасида ҳамкор мамлакатлар ва халқаро тузилмалар билан кўплаб келишувларга эришилган. Жумладан, "Асака" банки иштирокида 772 миллион долларлик 87 та, Бизнесни ривожлантириш банки томонидан 485 миллион долларлик 45 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Тақдимотда ушбу муҳим лойиҳаларнинг бориши ҳақида ҳам ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари банклар барча мижозлари билан манзилли ишлаб, лойиҳанинг ҳар бир босқичида кўмаклашиши зарурлигини, бунинг натижаси янги иш ўринлари яратилиши ва маҳаллаларда камбағалликнинг қисқаришида ўз ифодасини топиши кераклигини таъкидлади.

Банклар ўз ишини янгича ташкил қилиб, фақат кредит ажратадиган марказ эмас, балки ўзи истиқболли лойиҳаларни амалга оширадиган ва уларни тайёр бизнес сифатида тадбиркорларга тақдим этадиган замонавий инвестиция-тижорат тузилмасига айланиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Тақдимотда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш жараёнларини рақамлаштириш ва уларнинг шаффофлигини янада ошириш, замонавий дастурий ечимлар ва инновацияларни жорий қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЭКСПЕРТЛИК КЎМАГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида кенг кўламли таркибий ислоҳотларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий экспертлар кўмагининг мувофиқлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш **мақсадида**:

1. Давлат органлари ва ташкилотлари **таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш** учун малакали хорижий консультант ва экспертларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларини ҳамда консалтинг компанияларини (кейинги ўринларда — хорижий консультант ва экспертлар) ўз маблағлари ёки бюджет маблағлари ҳисобидан жалб этиш ҳуқуқига эга эканлиги **маълумот учун қабул қилинсин**.

2. Давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — буюртмачи ташкилот) томонидан хорижий консультант ва экспертларни жалб этиш жараёнини мувофиқлаштирувчи орган этиб **Стратегик ислоҳотлар агентлиги** белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) хорижий консультант ва экспертлар улар билан буюртмачи ташкилот ҳамда Стратегик ислоҳотлар агентлиги ўртасида тузиладиган **уч томонлама шартнома асосида жалб қилинади**. Бунда:

хорижий консультант ва экспертлар билан шартнома **бир йил**гача бўлган **муддатга тузилади** ва ушбу муддат кейинчалик **узайтирилиши** мумкин;

шартномада хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар (**техник топшириқ** шаклида) ҳамда эришиладиган индивидуал мақсадли кўрсаткичлар (**KPI**) акс эттирилади;

буюртмачи ташкилот ҳар ой хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилган ишлар ва **кўрсатилган хизматлар тўғрисида далолатнома** тузади. Бунда хорижий консультант ва экспертлар томонидан жами амалга оширилган ишлар ва **кўрсатилган хизматлар тўғрисида якуний далолатнома** Стратегик ислоҳотлар агентлиги билан келишилган ҳолда имзоланади;

б) хорижий консультант ва экспертлар қуйидаги **асосий талабларга мувофиқ бўлиши** лозим:

иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқа аҳамиятга эга бўлган йўналишларни **ислоҳ қилиш бўйича билим, малака ва зарур кўникмаларга** эга бўлиши;

нуфузли халқаро ташкилотлар ёки хорижий давлатларнинг илғор корхона ва ташкилотларида **иш тажрибасига эга бўлиши**;

**хорижий тилларни** (инглиз, рус ва бошқалар) зарур даражада билиши.

Бунда буюртмачи ташкилот томонидан хорижий консультант ва экспертларга нисбатан қўшимча талаблар белгиланиши мумкин;

в) буюртмачи ташкилот томонидан хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш қонунчиликда белгиланган **харид қилиш тартиб-таомилларига** мувофиқ амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислоҳотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–109-сон қарорида белгиланган чора-тадбирлар режасини амалга оширишга жалб қилинаётган хорижий консультант ва экспертлар бундан мустасно;

г) хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган **хизматлар ҳар ойда буюртмачи ташкилот** томонидан оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва ўзининг расмий **веб-сайтида ёритиб борилади**, улар иштирокида жорий масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишнинг мақбул йўлларини аниқлаш учун мунтазам равишда **учрашувлар ташкил қилинади** ҳамда **тегишли таклифлар тайёрланади**;

д) хорижий консультант ва экспертларни давлат фуқаролик хизмати лавозимларига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш **давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги** қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

4. Стратегик ислоҳотлар агентлиги (Б.Рахматов):

Ҳисоб палатаси (А.Бобоев) билан биргаликда бир ой муддатда давлат органлари ва ташкилотлари билан хорижий консультант ва экспертлар ўртасида тузилган шартномаларни **қайта кўриб чиқсин**, уларни мазкур қарор талабларига асосан **ўзгартириш** (**бекор қилиш**) бўйича **таклиф киритсин**;

Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда 2024 йил 1 июлга қадар хорижий консультант ва экспертларнинг **ягона электрон реестрини шакллантирсин** ва унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминласин;

икки ҳафта муддатда хорижий консультант ва экспертлар билан янги тартибда тузиладиган **шартноманинг намунасини** ишлаб чиқсин ҳамда вазирлик ва идораларга тақдим қилсин;

мазкур қарор талаблари юзасидан вазирлик ва идораларга мунтазам равишда **тушунтириш ишларини олиб борсин**.

5. **Таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий консультант ва экспертларни жалб этиш **тегишли ташкилотларнинг қоида** ва **талабларига** мувофиқ амалга оширилади.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 29 май

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 227¹-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 2 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 18 майда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида солиқ тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган талай ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жазоларнинг мутаносиблиги принципи акс эттирилганлиги муносабати билан солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жавобгарликни янада либераллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

## БУХОРОНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ

*Яхши турмуш кечирган одам давлатдан ҳам, элюртдан ҳам рози бўлади. Аслида "Инсон қадрини улуғлаш", деган ғоя мазмун-моҳиятида шу жайдари фалсафа ётибди.*

*Бугун диёримиз, жумладан, Бухоро вилоятида қай бир киши билан суҳбатлашманг, турмушнинг ширин лаҳзалари-ю, қувонч-ташвишларидан гап очади. Кейинги йилларда ўзи яшаб турган қишлоғу маҳаллада, шаҳарда юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида сўзлайди. Бу ўринда "Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла" мезони доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини эслашнинг ўзи кифоя.*

*Вилоятда 2023 йил якунлари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2020 йилдагига нисбатан 21,9 трлн. сўм ёки 1,7 баравар ошгани, камбағаллик даражаси 4 фоиз қисқаргани ҳам кўп нарсани англатади.*



### Ноёб инновацион лойиҳа

...Қум барханларини тасмадек кесиб ўтган йўл ёқасида, Қоракўл тумани марказига кираверишда баҳайбат кран ва юк машиналари, турнақатор тизилган уйлар кўзга ташланади. Улкан қурилиш майдонига айланган мазкур гўша — "Қоракўл" эркин иқтисодий зонасининг юраги. Бу ерда дастлабки қиймати 2,7 млрд. АҚШ долларига тенг МТО, яъни метанолдан олефин олиш технологияси асосида газ-кимё мажмуаси барпо этилмоқда.

— Мазкур инвестиция лойиҳаси орқали йилига 2,1 млрд. куб метр газни қайта ишлайдиган бутун бошли технологик кластер юзага келади, — дейди "Saneg" компаниясининг шуъба корхонаси саналган МТО газ-кимё компанияси қурилиш ишлари бўйича лойиҳа раҳбари Рамил Содиқов. — У нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги энг йирик саноат инвестиция лойиҳаларидан. Кластерда хомашё тўлиқ қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилади. Ноёб сармоявий лойиҳани амалга ошириш юмушлари 2026 йилда ниҳоясига етказилади.

Бу фикрга янада ойдинлик киритувчи бир неча рақамни ён дафтарчага қайд этдик. Чунончи, метанолдан олефин олиш лойиҳасига кўра йилига 1,1 млн. тонна полимер маҳсулотлари, жумладан, полиэтилен терефталат, полипропилен, паст зичликдаги полиэтилен, этиленвиниласетат сингари юқори ликвидли хомашёлар ўзлаштирилади. Муҳими, улар кўмагида 60 дан зиёд турдаги янги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш имконияти туғилади. Қуёш батареялари учун махсус қопламалар, автомобиль кузовлари учун деталлар, мебель маҳсулотлари, гиламлар, пластик қувурлар шулар жумласидан.

Бўлғуси корхона маҳсулотлари тиббиёт, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва тўқимачилик саноатини ўта зарур буюмлар билан таъминлаш имконини беради. Объектда маҳаллий ишчи-ходимлар дунёнинг бир қатор давлатларидан таклиф этилган малакали мутахассислар билан ёнма-ён меҳнат қилишмоқда.

Гўшада барча қулайликка эга кичик шаҳарча ҳам қад ростлади. Корхона учун зарур ускуналар эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ташқари, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Саудия Арабистони каби давлатлардан келтирилмоқда.

→ 3

Мулоқот

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гусейн Гулиевни қабул қилди.*

Томонлар икки давлат етакчиларининг қатъий сиёсий иродаси ва ўзаро ишончга асосланган дўстона муносабатлари туфайли Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мулоқот чоғида мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон парламентлари ўртасида шаклланган муносабатларнинг бугунги кундаги юқори даражасидан келиб чиқиб, келгуси режалар муҳокама қилиб олинди.

## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бухорога амалий ташрифи доирасида вилоят Кенгаши депутатлари ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари котибиятлари мудирлари ҳамда доимий комиссиялари раислари билан учрашув ўтказди.*

Учрашувда маҳаллий Кенгашлар фаолияти билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинди.

Хусусан, улар ишининг самарадорлигини оширишда депутатлик назорати институтидан кенг фойдаланиш ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини ўрнатиш борасидаги ишлар танқидий таҳлил қилинди.

Мулоқот давомида жойларда аҳоли муаммоларини "маҳалла еттилиги" билан ҳамкорликда бартараф этиш бўйича йўлга қўйилган намунавий тизимдан фойдаланиш зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Жумладан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ва лойиҳаларни манзилли ўрганиш, назоратни амалга ошириш, аҳоли муаммоларини бартараф қилиш ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, мулоқот давомида маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан бир қатор ташаббуслар илгари сурилди ҳамда улар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиш имконига эга бўлди.

**«Халқ сўзи».**

«MebelExpo Uzbekistan — 2024»:

## ЗАМОНАВИЙ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ




### Кўргазма

Пойтахтимизда "Ишлаб чиқариш технологиялари. Ёғочсозлик. Мебель ва бутловчи қисмлар — MebelExpo Uzbekistan — 2024" 20-юбилей халқаро кўргазмаси ўтказилмоқда. Уч кун давом этадиган мазкур анжуманда 14 та мамлакатдан 144 та компания вакиллари қатнашяпти.

Эътиборлиси, халқаро кўргазмада Австрия, Туркия, Россия Федерацияси, Беларусь, Германия, Эрон, Италия, Қозоғистон, Хитой ва Қирғизистон каби мамлакатларнинг нуфузли компаниялари соҳанинг энг сўнгги янгиликлари, ўз хизматлари ва маҳсулотларини тақдим этмоқда.




Кўргазма павильонларида замонавий ёғочсозлик ва мебель, бутловчи қисмлар, кимёвий воситалар, тайёр маҳсулотлар ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур ускуналар намойиш қилинди.

Бу нуфузли тадбирнинг пойтахтимизда ўтказилаётганининг ўзига хос сабаблари бор. Чунки мамлакатимизда кейинги йилларда мебель ва ёғочсозлик саноати жадал ривожланаётир. Бир томондан юртимизда уй-жой мажмуалари, ижтимоий инфратузилма объектлари, маъмурий бинолар ва бизнес марказларининг тез суръатларда қурилаётгани бу каби маҳсулотларга бўлган талабни оширмоқда. Қолаверса, юртимизда мебель, материаллар, бутловчи буюмлар ишлаб чиқарувчи ҳамда ёғочга ишлов берадиган корхоналар сафи муттасил кенгаймоқда. Охирги ўн йилда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури сезиларли даражада кенгайиб, сифати ва дизайни жаҳон тенденцияларига мос равишда яхшиланиб, тайёр мебель экспорти ҳам, импорти ҳам ортиб боряпти.

→ 3

### Депутатлар — ҳудудларда

## ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан очиқ мулоқотлари мунтазамлик касб этиб, самарали ташкил қилинаётгани жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳоли яшаш шароитларини, турмуш даражасини ўрганиш, уларнинг мурожаатларини тинглаш ва масъуллар билан биргаликда ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

→ 2

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 227¹-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига фискал ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун қўлланиладиган молиявий санкциялар миқдорлари камайтирилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Жумладан, мазкур ҳуқуқбузарликлар биринчи марта содир этилганда жарима миқдори охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг икки фоизини, ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда эса унинг йигирма фоизини ташкил этади.

Ушбу Қонун солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни янада мақбуллаштиришга ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар) **227¹-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фискал белгиларни акс эттириш ёхуд автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни бузиш, шунингдек товарларни (маҳсулотларни) ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотувчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш –

реализация амалга оширилган охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг икки фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик жарима қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

реализация амалга оширилган охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг йигирма фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 29 май
№ ЎРҚ—927

## Сенат қўмитасида

# РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

*Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси мажлисида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида рақамлаштириш, соҳада кўрсатилаётган давлат хизматлари ҳамда очиқликни таъминлаш ҳолати муҳокама қилинди.*



Унда қўмита аъзолари, экспертлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, вазирлик тизимида рақамлаштириш ва талабаларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат хизматларини кўрсатиш йўналишида муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, вазирлик фаолияти билан боғлиқ 15 та ахборот тизими жорий этилган. Вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан жами 30 та давлат хизмати кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан 2023 йил ва 2024 йил биринчи чораги давомида таълим масалаларида жамоатчилик фаоллари, журналистлар ва блогерлар томонидан кўтарилган 320 дан ортиқ танқидий материаллар ўрганиб чиқилган ва ўз муддатида расмий муносабат билдирилган.

Ўрганиш ва таҳлиллар вазирлик ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан рақамлаштириш, кўрсатилаётган давлат хизматлари ҳамда очиқликни таъминлаш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Жумладан, "Дубликат" электрон ахборот тизими архив идоралари билан интеграция қилинмагани боис тизимдан фуқароларнинг таълим тўғрисидаги архив маълумотларини олиш, диплом дубликатларини беришда давлат хизматини кўрсатиш муддатлари бузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Бундай камчиликларни бартараф этиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан ташкилотларга 8 та тақдимнома киритилган, 13 нафар раҳбар ва масъул ходимга тегишли маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилган.

Бундан ташқари, вазирликнинг 13 та ҳудудий бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида расмий веб-сайти ташкил этилмаган ва ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилмаган.

Сенаторлар вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотларда очиқликни таъминлаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар. Шундан келиб чиқиб, мазкур ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларининг ташкилий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар илгари сурилди.

Хусусан, хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни ва олий таълим муассасалари учун тайёрланган ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш электрон ахборот тизимларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали йўлга қўйиш ҳамда "d-arxiv.edu.uz" платформасини, давлат архив бўлинмаларини тегишли ахборот тизимига (my.archive.uz) интеграция қилиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқлиги билдирилди.

Шу билан бирга, рақамлаштириш, кўрсатилаётган давлат хизматлари ва очиқликни таъминлаш соҳасида вазирлик амалга ошириши лозим бўлган ишлар бўйича "Йўл харитаси" муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳудудий бошқармаларида ахборот хизматлари фаолиятини ташкил этиш ва расмий веб-сайтлар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Якунда муҳокама этилган масала юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Давра суҳбати

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ЎҚИТИШ, КАСБГА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЗАРУРАТИ

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати томонидан "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

Тадбирда тилга олинган масалани ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизимни жорий қилиш ҳамда улар учун қулай ва мақбул муҳитни яратиш, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни муносиб иш билан таъминлаш орқали улар бандлигини 2 баробарга ошириш вазифаси қўйилган.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тасарруфидаги "Ишга марҳамат" мономаркази ва касб-ҳунарга ўқитиш марказлари томонидан 2022 йилда 3 399 нафар, 2023 йилда 5,2 минг ва 2024 йил январь — апрель ойларида 2 040 нафар ногиронлиги бўлган ишсиз шахслар касб-ҳунарга ўқитилган.

Ногиронлиги бўлган ёшларга анъанавий ва замонавий касбларни ўргатиш, умумтаълим фанлари ҳамда хорижий тилларга ўқитиш, ўқиш даврида яшаш ва транспорт харажатларини қоплаб бериш мақсадида субсидия ажратиш чоралари кўрилмоқда. Ўтган 2023 йил давомида электрон портал орқали жами 1 557 та ариза келиб тушган бўлиб, ижобий тавсия берилган 437 нафар ногиронлиги бор ёшга 5,1 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилган.

Тадбирда мономарказ ва касб-ҳунарларга ўқитиш марказларида ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус ўқув курсларини ташкил этишда шарт-шароитлар яратиш, касб-ҳунарга ўқитилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат фаолиятига рухсат этилган соҳа ва тармоқларни ўрганиш, талаб юқори бўлган касблар рўйхатини шакллантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида мутасадди вазирлик ва идоралар вакилларининг ногиронлиги бўлган шахсларга таълим бериш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги хориж тажрибаси, соҳа ҳуқуқий асосини такомиллаштириш бўйича тавсиялари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш юзасидан фикрлари эшитилди.

Якунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш бўйича тавсиялар қабул қилинди.

## Шартномами ёки грант:

# АДОЛАТЛИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

*Инсон капитали мамлакатнинг миллий бойлиги саналади. Унинг ҳар томонлама тараққий этишида олий таълим тизимининг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга янги авлод кадрларини етиштириш юқори босқичга олиб чиқилди.*

## Муносабат

Ушбу ўзгаришларни қуйидаги рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин. 2016/2017 ўқув йилида мамлакатимизда олий таълим муассасалари 70 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб улар 214 тага етди. ОТМ сони ортиши билан бирга, улардаги қабул кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада кўпайди. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларига қабул қамрови 2016 йилги 9 фоиздан 42 фоизга етказилди.

Шунингдек, педагог ва талабаларнинг илм олиши, ўқиб-изланиши учун муайян шарт-шароит яратиб берилаётгани боис олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти ҳам ортиб бормоқда.

Соҳада эришилаётган ижобий натижалар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо барчамиз учун устувор бўлган вазифа, бу ўтган вақт давомида орттирилган тажрибадан тўғри хулоса қилган ҳолда соҳани янада тараққий эттириш, олий таълим олиш истагида бўлган ёшларимиз учун кенгроқ имкониятлар яратиб беришдир.

Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Президентининг "Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ёш авлод камолоти йўлида олдимизга қўйилган мақсадларни рўёбга чиқаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бинобарин, ушбу ҳужжатда белгиланганидек, эндиликда 2024/2025 ўқув йили қабулидан бошлаб давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш амалиёти бекор қилиниб, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим шаклида тасдиқлаш тартиби жорий этилади. Албатта, бундан олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари мустасно саналади.

Шунингдек, давлат гранти квоталарининг олий таълим ташкилотлари кесимида тақсимоти тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича рўйхатдан ўтган абитуриентларнинг танлови ва тўплаган балларига кўра амалга оширилади. Бунда бакалавриат ва магистратурага қабул қилинган талабаларга таълим гранти бир ўқув йили учун ажратилади. Яъни таълим гранти биринчи курсда олий таълим ташкилотларига ажратилган давлат буюртмаси квотасига мувофиқ кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган талабаларга ажратилса, иккинчи ва ундан кейинги курсларда юқори академик рейтинг кўрсаткичларига эришган ва ижтимоий фаол талабалар орасида олий таълим ташкилотлари томонидан табақалаштирилган тартибда қайта тақсимланади.

Айтиш мумкинки, ушбу адолатли таълим тизимининг татбиқ этилиши минглаб ёшларимизга рағбат бўлиб, уларни ўқишга киргандан кейин ҳам соғлом рақобат руҳида ўз устида янада кўпроқ изланишга ундайди. Чунки амалдаги тизимда арзимас бир кичик хатоликни деб шартномага тушиб қолган абитуриентлар оилавий ва иқтисодий муаммолари сабаб бир йил вақтини йўқотишга ёки 4 йил қийналиб шартнома пулини тўлашга мажбур эди. Эндиликда эса бу имкониятдан айнан шундай ёшлар самарали фойдаланиши мумкин бўлади.

Фармон билан киритилаётган яна бир муҳим ўзгариш — бу 2025 йилдан бошлаб, давлат буюртмаси параметрлари Иқтисодиёт ва молия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари томонидан шакллантириладиган олий маълумотли кадрларга бўлган талаб прогнозига мувофиқ равишда 4 йиллик давр учун тасдиқланишидир. Ушбу тизим ҳам келажакда замон талаблари асосида кадрлар тайёрлаш ҳамда битирувчи ёшлар учун муносиб иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳужжатда, шунингдек, давлат гранти ва тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилишнинг минимал ўтиш бали тегишли бакалавриат таълим йўналишининг олдинги ўқув йилидаги ўртача ўтиш балларини ҳисобга олган ҳолда давлат комиссияси томонидан белгиланиши, магистратура мутахассисликлари ва олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига қабул қилишда хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификат талабларининг енгиллаштирилиши ҳамда имтиёз билан давлат гранти асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентга ушбу имтиёздан такроран фойдаланишга рухсат этилмаслиги каби кўплаб янгиликлар назарда тутилган.

Шубҳасиз, ушбу Фармон ва унда белгиланган вазифалар ёшларга ўзи қизиққан соҳа ва йўналишларда таълим олиб, билимини янада мустаҳкамлаш, шу орқали мамлакат тараққиётига муносиб улуш қўшадиган етук кадрлар бўлиб камол топишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**Махфират ХУШВАҚТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Ўрганиш

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

*Маълумки, кейинги йилларда юртимизда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келиняпти.*

Бу борада қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини кўтаришга қаратилган Фармон ва қарорлар дастуриламал вазифани ўтамоқда.

Хўш, бугунги кунда мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар қандай ижро қилинмоқда?

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг Фарғона вилоятидаги ўрганишлари давомида шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ўз вақтида ва сифатли божхона хизматлари кўрсатиш, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун ер ажратиш, экспортбоп экинларни жойлаштириш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича белгиланган вазифалар қандай бажарилаётгани атрофлича таҳлил қилинаётир.

Ишчи гуруҳ даставвал вилоят ҳокимлигида соҳа мутахассислари билан мулоқот ўтказди. Унда ташқи иқтисодий фаолият жараёнларини амалга оширишда яратилган имкониятлар, божхона ҳамда қишлоқ хўжалигига оид янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти хусусида кенг маълумот берилди.

Шунингдек, аҳолига ер ажратиш тартиби, маҳсулотларни экспорт қилиш, сақлаш ва юклашга ихтисослаштирилган инфратузилмаларни ташкил этиш масалалари муҳокамадан ўтказилди. Айни чоғда шу соҳаларга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлашга масъул давлат органларининг фаолияти, уларнинг қуйи тузилмаларида амалга оширилган ишлар ва юзага келаётган муаммолар қандай ҳал этилаётгани, қишлоқ хўжалигида хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳолати чуқур таҳлил қилинди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ вилоят ҳокими ўринбосари ҳамроҳлигида Тошлоқ туманида бўлиб, аҳолига деҳқон хўжалиги учун ажратилган ер майдонларида экспортбоп экинлар етиштириш ҳамда маҳсулотларни экспорт қилиш жараёнлари билан танишди.

Ишчи гуруҳнинг ҳудуддаги ўрганишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА

1

Шу кунларда ҳудудларда ўтказилган учрашув ва ўрганишлар халқ вакилларининг фуқароларни ўйлантириб келаётган муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни ижобий ҳал этишда, энг аҳамиятлиси, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашда муҳим омил бўлаётир.

### Масъулларга тегишли тавсиялар берилди

Парламент қуйи палатаси депутати Турсуной Муратова Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани ҳамда Қорасув шаҳрида бўлиб, бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда "маҳалла еттилиги" фаолияти билан танишди. Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳар бир маҳаллани обод қилиш, аҳолининг турмуш шароитларини янада яхшилаш мақсадида белгилаб берган вазифалари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Маълум бўлишича, Қорасув шаҳрида барпо этилаётган Ёшлар маънавият ва маърифат мажмуасида қурилиш ишлари жадал суръатда кетмоқда. Лекин IT ва Коворкинг марказларида ажратилган маблағ тугаганлиги боис қурилиш ишлари вақтинчалик тўхтаб қолган.

Ушбу масала депутат назоратига олиниб, муаммони бартараф қилиш ва қурилиш ишларини белгиланган муддатда якунига етказиш бўйича масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

Халқ вакили Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоғида ташкил этилган мономарказ фаолияти билан ҳам танишди. Йилига 1 минг 600 нафар кишини ўқитиш имкониятига эга марказда талаб юқори бўлган қурилиш, маиший хизмат, техник-муҳандислик каби соҳалар бўйича жами 22 та касбга ўргатиш йўлга қўйилган. Бунинг учун марказда зарур техника воситалари, инновацион хоналар, малакали педагоглар жамоаси яратилган.

Депутат марказдаги шароитларни кўздан кечириб, ҳунар ўрганаётган йигит-қизлар билан суҳбатлашди. Илгари ёшлар касб эгаллаши учун пойтахтга ёки бошқа шаҳарларга бораётган бўлса, эндиликда бундай шарт-шароитлар ҳар бир ҳудудда мавжудлиги эътироф этилди.

Юзма-юз мулоқотда ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

### Замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилади

Қонунчилик палатаси депутати Равшан Бегматовнинг Фарғона вилояти, Данғара туманида сайловчилар билан учрашувлари қизғин ва самимий мулоқотларга бой бўлмоқда.

Бугунги кунда тумандаги "Қумқияли" МФЙ ҳудудида янги оилавий поликлиниканинг қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Барча қулайликка эга замонавий тиббиёт муассасасининг фойдаланишга топширилиши аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради.

Депутат учрашувлар давомида ушбу ҳудудда ҳам бўлиб, қурилиш жараёни билан яқиндан танишди. Қурилиш ишларида замонавий материаллардан кенг фойдаланиш, биринчи навбатда, сифатга алоҳида эътибор қаратиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур тавсиялар берди.

— Инсон учун энг катта бойлик — сиҳат-саломатлик, — деди депутат Р. Бегматов. — Ишончим комилки, ушбу янги бино юртдошларимизнинг ўз саломатлигини тиклаши учун узоқ ҳудудларга бормасдан, шу ернинг ўзида сифатли тиббий хизматдан фойдаланишига шароит яратади.

Халқ вакили Данғара туманидаги Катта минглар, Таргова ва Қияли қўрғонча маҳаллаларида ҳам бўлиб, сайловчилар билан очиқ мулоқотлар ўтказди, одамларни ўйлантириб келаётган айрим масалаларни тегишли мутасаддилар билан биргаликда жойида ҳал этиш чораларини кўрди.

### Ёшлар етакчилари очиқ мулоқотдан мамнун

Қуйи палата депутати Жамшид Қосимовнинг Қашқадарё вилояти, Қамаши туманида сайловчилар билан учрашувлари фуқароларнинг фаоллиги остида қизғин савол-жавоблар билан ўтмоқда.

Депутат дастлаб тумандаги Манғит, Ойнакўл ва Истиқбол маҳаллаларида бўлиб, ёшлар етакчилари билан долзарб мавзуларда суҳбатлашди.

Ёш авлод вакиллари қонун ижодкорлигига оид янгиликлар, бир қатор қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, яқинда кучга кирган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган мулоқотлар чоғида юртимиздаги маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилгани бугун ўз самарасини бераётгани, бу тизим орқали ёшларга юздан ортиқ имкониятлар яратилгани қайд этилди.

Депутат, шунингдек, тумандаги бир қатор маҳаллалар, аҳоли хонадонларида бўлиб, халқ билан юзма-юз учрашувлар ўтказди. Фуқаролар томонидан турли масалаларга оид кўтарилган мурожаатларни тегишли ташкилот раҳбарлари иштирокида бартараф этиш чоралари кўрилди.

### Бандлик, имтиёзли кредитга оид мурожаатлар жойида ечим топди

Қонунчилик палатаси депутати Одинахон Отахsecurityнинг Андижон вилояти, Шаҳрихон туманида сайловчилар билан юзма-юз учрашувлари ҳам амалий натижаларга бой бўлди.

Халқ вакили дастлаб тумандаги "Муллабой" МФЙда бўлиб, "маҳалла еттилиги" фаолияти билан танишди. Суҳбат жараёнида фуқаролардан бандлик, имтиёзли кредит ва бошқа масалаларга доир мурожаатлар келиб тушди.



Хусусан, фуқаро Зуҳрахон Ҳакимова айни вақтда ишсиз эканини айтиб, депутатдан шу масалада ёрдам сўради. Халқ вакили ташаббуси билан унинг мурожаати шу ернинг ўзида ижобий ечим топди. Айни чоғда мазкур маҳаллада яшовчи Гуллолахон Алимованинг имтиёзли кредит олиш бўйича қилган мурожаати ҳам эътиборсиз қолмади.

Тумандаги "Тегирмонбоши" ва "Бувайдо" МФЙда бўлиб ўтган учрашувлар давомида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифалар, унинг доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қонунчиликдаги янгиликлар хусусида кенг маълумот берилди.

Шу билан бирга, аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ечимига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, "Тегирмонбоши" МФЙ аҳолиси маҳалладаги зовурлар ҳолатини яхшилаш бўйича мурожаат қилиб, халқ вакилидан кўмак сўради. Депутат мутасаддилар билан боғланиб, мурожаатни жойида ҳал этиш чораларини кўрди.

Бу каби учрашувлар Шаҳрихон туманидаги "Дориламон" МФЙда давом этди. Бу ерда "маҳалла еттилиги", аҳоли вакиллари ва тадбиркорлар билан мулоқот бўлиб ўтди. Аҳоли томонидан илгари сурилган турли соҳаларга оид мурожаатларга ечим изланди. Мурожаатларнинг салмоқли қисми тегишли ташкилот вакиллари билан биргаликда ҳал этилди.

### Коммунал хизмат кўрсатиш сифати — назоратда

Парламент қуйи палатаси депутати Дилором Имомова Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб, ҳудуддаги "Уймовут", "Сариосиё" маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифати қай ҳолатда эканлиги билан қизиқди. Фуқаролар томонидан ушбу масалада келиб тушган мурожаатлар назоратга олиниб, уларни ҳал этиш чоралари белгиланди.

Халқ вакили мазкур учрашувлар давомида жойларда масъуллар томонидан аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам турлари, қонун ва қононости ҳужжатларининг жойлардаги ижроси билан танишиш мақсадида Шаҳрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда Давлат кадастрлари палатаси ва Кадастр агентлиги раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Депутат, шунингдек, давлат дастури асосида қурилиб, мукаммал таъмирга киритилган 4-умумий ўрта таълим мактабида ҳам бўлди. Келгусида мазкур таълим даргоҳида амалга ошириладиган ишлар ҳақида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари қизғин ва самарали кечди.*

**«Халқ сўзи».**

**Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари Ўзбекистонга ташриф буюрди.**

# ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН ИНСТИТУЦИОНАЛ ҲАМКОРЛИК

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифига кўра Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга амалга оширган давлат ташрифи чоғида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ҳамда расмий делегациялар иштирокида ўтказилган кенгайтирилган таркибдаги йиғилиш кун тартиби ниҳоятда кенг қамровли бўлгани билан алоҳида аҳамият касб этди.*

## Нуқтаи назар



Хусусан, расмий делегациялар иштирокидаги йиғилишда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси етакчилари олий таълим ҳамкорлигини кенгайтириш, инновацион лойиҳаларни институционал ҳаётга татбиқ қилиш, рақамли технологияларни ривожлантириш, сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш бўйича келишувларга эришиш баробарида миграция масалаларини ҳам амалий кўриб чиқдилар.

Музокараларда Владимир Путин Россия ҳукумати ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари учун муносиб меҳнат шароитларини яратишини, ижтимоий ҳимояни таъминлаш учун зарурий чоралар кўрилишини, у ерда яшаб ишлаётган Ўзбекистоннинг 1 миллиондан ортиқ фуқаролари ўз меҳнатлари билан қўшимча қиймат яратишлари учун янада кенгроқ имкониятлар берилишини маълум қилди.

Хусусан, энди қўшма таълимни тамомлаган кадрлар Россия иқтисодиёт секторларида кенг қамровда ишлайди, меҳнат муҳожирлари эса қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги, хизматлар, транспорт ва логистика каби жадал ривожланаётган тармоқларда меҳнат қилиши мумкин. Бу ижобий ўзгаришлар, шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг очиқ прагматик сиёсати, яхши шериклик асосидаги дипломатик муносабатлар самарасидир.

Эндиликда, олий таълим ва қўшма дастурларни тугатган кадрларнинг ҳуқуқлари миграция шартномалари доирасида икки давлат томонидан таъминланади, олий таълим муассасаларида инвесторлар билан талаб ва таклифларни ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган қўшма дастурлар асосида квоталар кўпайтирилади.

Камина шу куни Ўзбекистон делегацияси таркибида йиғилишда иштирок этиб, амин бўлдимки, давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимиз том маънода ижтимоийлашди, ҳар қандай олий даражадаги учрашувларда, аввало, халқ манфаатлари, ёшлар таълими, муҳандис мутахассисларни тайёрлаш иқтисодий барқарорлигимизда устувор масала сифатида кўрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги етти йил ичида Ўзбекистоннинг Россия билан товар айирбошлаш ҳажми 2,5 баробар ўсди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий устунлари иқтисодиёт секторлари бўлиб, давлатимиз раҳбари прагматик ислоҳотларда 2024 йилга қадар ўзаро товар айланмасини 25 миллиард долларгача оширишни прогноз қилди.

Мазкур олий даражадаги музокараларда Россия инвесторлари ҳамкорлигида ҳудудлар даражасида 4 миллиард долларлик 200 дан ортиқ қўшма лойиҳалар амалга оширилиши баробарида, ташриф доирасида 5 миллиард долларлик янги шартномалар тузилди.

Яқин йилларда давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 30 миллиард долларга етказиш ва келаси йили 10 миллиард доллар инвестиция ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилинди. Иқтисодий секторни институционал ривожлантириш мақсадида икки давлатнинг ҳудудий ҳамкорлиги масалалари батафсил кўриб чиқилди. Ўзаро етказиб бериш таркибини, энг аввало, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ҳисобига сифат жиҳатдан яхшилашга келишиб олинди. Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Татаристон Республикаси, Москва, Ленинград, Новосибирск, Астрахань, Иваново, Челябинск областлари, Красноярск, Пермь ўлкалари, Бошқирдистон каби асосий ҳамкорлар мутасаддилари иштирокида янги лойиҳалар қабул қилинди.

Шунингдек, ўзаро алоқалар қамровини кенгайтириш мақсадида икки томонлама кооперация ва импорт ўрнини босиш лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, жумладан, савдо ва кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун Россияда Ўзбекистоннинг тўлақонли савдо ваколатхонасини очиш кўзда тутилмоқда.

Айни кунда Ўзбекистонда Россиянинг уч мингдан ортиқ компаниялари фаолият юритмоқда. Хусусан, умумий портфели 45 миллиард долларлик энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, логистика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида "Химград" саноат зонасини кенгайтириш, Жиззах вилоятида унинг филиалини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар олий таълим олдига "муҳандислик мактаблари"ни такомиллаштириш ва малакали муҳандис кадрларни тайёрлашни устувор вазифа қилиб қўяди.

Саммит доирасида кооперациянинг янги лойиҳалари бўйича 20 миллиард долларлик келишувларга эришилгани, шундан чорак қисми ҳудудлар ҳиссасига тўғри келиши икки мамлакат ўртасида олий таълимни янада интеграциялашни тақозо қилади.

Владимир Путин Россия ва Ўзбекистон истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш учун 500 миллион долларлик қўшма сармоя фондини тузаётганини урғулаб, бу икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Айтиш жоизки, таълим ва фан борасида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 1993 йил 19 мартда имзоланган маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимга асосан ривожланиб келмоқда. Бундай илмий-амалий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясида олинган таълим, малака ва илмий даражаларнинг ўзаро тан олиниши енгиллаштирилгани, давлатлараро таълим эҳтиёжларини қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга катта эътибор бериб келингани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда Россиядаги чет эллик талабаларнинг умумий сони 350 мингга яқинлашган бўлса, Россия Президенти Владимир Путин музокараларда ўзбекистонлик талабалар сони тўғрисида тўхталиб, уларнинг 63 мингдан ошгани ва МДҲ давлатлари ўртасида биринчи ўринда эканини таъкидлади. Шундан, 14 минг нафарга яқини бепул таълим олаётганини эса икки томонлама олий таълимдаги қўшма дастурлар натижаси, дея оламиз.

Шу ўринда таққослаш учун айтиш жоизки, "Россотрудничество" федерал агентлигининг маълумотига кўра, 2016 йилда Россияда 23 минг ўзбекистонлик талаба таҳсил олган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 50 мингга кўпайгани эътиборга моликдир.

Айни чоғда Россия инвесторлари ҳамкорлигида улкан қўшма корхоналар ишга туширилган бўлиб, бу икки дипломли кадрларга эҳтиёж ошганлигини кўрсатади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Фан ва олий таълим вазирлиги ўртасида илмий технологиялар соҳасида қўшма танловлар ўтказиш тўғрисида битим ҳамда Ўзбекистонда "Н. Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети" федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида меморандум имзоланди.

Умуман, Ўзбекистон ва Россия ўртасида малакали кадрлар тайёрлаш йўлидаги алоқаларни янада кенгайтириш, жумладан, замонавий йўналишлар ва мутахассисликларда бакалавр, магистрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот соҳасида ўзаро тажриба алмашиш бўйича муҳим келишувларга эришилгани мамлакатимиз тараққиётида катта аҳамият касб этади. Ва бу биздан уларни концептуал ўрганиш, лойиҳалаштириш ва бу лойиҳаларга инсон ресурсларини самарали жалб қилишни талаб этади.

**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,**
**Ўзбекистон олий таълим, фан ва инновациялар вазири.**

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

*Экспертлар мамлакатимизда кейинги йилларда давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш жараёнида иккита асосий вазифа уддаланганини қайд этади. Аввало, иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимот тизимидан бозор муносабатларига ўтилган бўлса, иккинчидан, давлат органларининг янги шароитларда самарали фаолият юритишига эришилди.*

## Фикр

Бугун иқтисодиётда давлат бошқарувининг роли ҳақида гап кетганда, солиқ тизимидаги янгиланишлар, валюта бозорининг эркинлашуви, банк-молия соҳасидаги инновацион ёндашувлар, инвестициялар оқимининг кучайиши, саноат ва туризмнинг ривожлантирилиши ва бошқа кўплаб ислоҳотларни ишонч билан тилга олиш мумкин. Масалан, биргина валюта бозорининг либераллашиши эски андозаларнинг ўз-ўзидан қулашига ва мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги босқичга кўтарилишига йўл очди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган сиёсатда иқтисодий ривожланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, видеоселектор йиғилишлари, тақдимотларда ҳар бир йўналиш бўйича "ўсиш нуқталари" белгилаб берилаётгани, инвестициялар киритиш борасида катта ишлар қилинаётгани ўз самарасини бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзбекистонда жамият ва одамлар ҳаёти тубдан ўзгарди. Энг муҳими, ҳар бир юртдошимиз уларни ўз ҳаётида сезмоқда.

Бунинг тасдиғи сифатида бир мисолни келтириш ўринли бўлади. Бундан олти-етти йил олдин, асосан, пахта, олтин, мис ва газ хомашёсини сотиб, даромад кўрган мамлакатимиз қисқа муддатда минтақамизда иқтисодиёти диверсификация қилинган, тайёр маҳсулотлар экспорти жадал ўсиб бораётган давлат сифатида эътироф этила бошланди. Энг асосийси, одамларимизда, тадбиркорларимизда қўрқув, умидсизлик ҳисси йўқолиб, ўзи ва оиласи, фарзандларининг ҳозирги ҳамда эртанги кунига мустаҳкам ишонч пайдо бўлди.

Ислоҳотлар туфайли ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни, нуфузи кескин ошди. Дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди. Биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан муносабатларимизда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳал этилди. Азал-азалдан ўзаро қардош ва биродар бўлган мамлакатларимиз кўпгина минтақавий ва глобал масалалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўйича яқин ҳамкорликда ҳаракат қилишни бошлади. Жаҳон сиёсатшунослигида "Марказий Осиё руҳи" деган ибора пайдо бўлди. Натижада сармоядорларнинг минтақамизга бўлган қизиқиши ортди.

Бу йил май ойи бошида учинчи маротаба Тошкент халқаро инвестиция форумининг ўтказилгани бунинг яққол тасдиғидир. Ушбу формат доирасида юртимизда дунёнинг барча қитъасидан янгидан-янги ишончли ҳамкорлар жам бўлмоқда. Ўтган уч йил давомида мазкур форум икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, энг долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, илғор ғоя ва ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали мулоқот майдонига айланди. Охирги йилларда мамлакатимизда 60 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилгани, халқаро молия институтларининг 14 млрд. доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилингани туфайли Ўзбекистоннинг иқтисодий қиёфаси тубдан ўзгарди.

Албатта, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва унинг ўсиш суръатларини белгилайдиган кўрсаткичлар кўп. Аммо улар орасида асосий мезон, бу — ялпи ички маҳсулот. Ўтган йил якуни бўйича мамлакат иқтисодиёти 6 фоизга ўсди. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 28,98 млн. сўмни ташкил этди. Савдо айланмаси кўрсаткичлари муттасил ошмоқда. Валюта бозори ва олтин-валюта захиралари барқарорлиги сақлаб қолинмоқда. Бу — пандемия оқибатлари тугатилаётган, дунёда қарама-қаршилик кучайиб, зиддиятлар авжига чиққан бир пайтда, яъни кўпгина мамлакатлар иқтисодиёти рецессияни бошидан кечираётган шароитда жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Қолаверса, миллий иқтисодиётимизнинг тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Саноат миллий ишлаб чиқаришнинг ўзагини ташкил этади ва шу сабабли иқтисодий ривожланишнинг боришини кўп жиҳатдан белгилайди. Саноат барча соҳани, жумладан, ўзини ҳам ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайди. Шу маънода, у ўзини ўзи яратадиган ва тиклайдиган ягона ноёб соҳа. 2023 йилда саноат ишлаб чиқариши 2022 йилдагига нисбатан 5 фоиз ўсди. Бу эса Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар орасида саноатнинг ўсиш суръатлари бўйича энг яхши ўринлардан бирини сақлаб қолиш имконини берди. Ўнлаб эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, кичик саноат зоналари, стартаплар иш бошлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси йилига 2 фоиз ўсмоқда, прогнозларга кўра, 2030 йилга бориб 40 млн.ли нуфусга эга бўламиз. Бундай катта давлатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халқимизга муносиб шароит яратиш учун иқтисодиёт ҳам, бошқарув ҳам, таълим ва тиббиёт ҳам янгича бўлиши, барча соҳада ўсиш, ривожланиш бўлиши керак. Давлатимиз раҳбари Фармони билан қабул қилинган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ана шу мақсад рўёбига қаратилган. Албатта, одамлар ҳаётдан рози бўлиши учун барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш лозим. Бунга эришиляпти ҳам. Масалан, бугунги кунда ҳар бир маҳаллада 40 — 50 та корхона фаолият юритмоқда, туманларда экспорт қилувчи тадбиркорлар пайдо бўлди, миллионлаб янги иш ўринлари яратилди. Қисқача айтганда, тадбиркорлар синфи шаклланиб, жамиятимизда ҳақиқий кучга, ислоҳотлар драйверига айланди. Натижада сўнгги йилларда аҳолининг харид қобилияти ва ўртача ойлик иш ҳақи қарийб 2 баробар ошиб, бугунги кунда ўртача 400 долларни ташкил этмоқда. Энди мавжуд салоҳиятимизга таяниб, янада юқори марралар белгиланмоқда. 2030 йилга бориб, иқтисодиётимизни 2 баробар мустаҳкамлаб, 160 млрд. долларга етказиш, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳозирги 2,5 минг доллардан 4 минг долларга ошириш мақсад қилинган. Бунинг натижасида Ўзбекистон "даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар" қаторига киради.

Кези келганда айтиш жоизки, иқтисодиётнинг келажаги, бу — экспорт. Сўнгги йилларда чарм-пойабзал, тўқимачилик, озиқ-овқат, электротехника, фармацевтика йўналишларида минглаб янги корхоналар очилди. Натижада экспорт ҳажми 1,5 баробар кўпайиб, 20 млрд. доллардан ошди. Айни пайтда юртимизда иқтисодиётнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлган юксак технологиялар соҳасига эътибор кучайган. IT хизматлари экспорти бугунги кунда 1 млрд. доллардан ортди. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида уни 5 млрд. долларга олиб чиқиш белгиланган.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг юксак натижалари ва илмий асосланган истиқболлари, қолаверса, бу янгиланишларнинг халқимиз турмуш фаровонлигида кўзга яққол ташланаётгани иқтисодиётда давлат бошқарувининг самарали ташкил этилганини кўрсатади.

**Нозима ЎКТАМОВА,**
**Тошкент давлат юридик университетининг Давлат бошқаруви кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.**

## «MebelExpo Uzbekistan — 2024»:
# ЗАМОНАВИЙ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

← 1

Соҳани изчил ривожлантиришда Президентимизнинг 2023 йил 10 февралдаги "Мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида имтиёз ва енгилликлар жорий этилгани тадбиркорлар учун имкониятларни янада кенгайтирди. Бу халқаро кўргазмада иштирок этаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг хорижлик ҳамкасблари томонидан юқори баҳоланаётгани мисолида ҳам яққол намоён бўлаётир.

Умуман, кўргазма тайёр мебель маҳсулотлари етказиб берувчилар ва истиқболли ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш ҳамда алоқаларни ўрнатиш учун қулай бизнес майдони вазифасини ўтаяпти. Бу ерда ёғочсозлик ва мебель ишлаб чиқариш учун юқори технологияли замонавий ускуналарни харид қилиш ва уни ишлатиш бўйича маслаҳат олиш, Европа ва Осиё етакчи компанияларининг сифат кафолати билан ёғочни қайта ишлаш воситаларининг кенг кўлами билан яқиндан танишиш имконияти яратилган.

"MebelExpo Uzbekistan — 2024" халқаро кўргазмаси бугун ниҳоясига етади.

**«Халқ сўзи».**

# БУХОРОНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ



← 1

Ноёб технологик лойиҳа мамлакатимиз раҳбарининг 2021 йил 13 августдаги "Қоракўл" эркин иқтисодий зонаси ҳамда замонавий газкимё технологик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Мажмуа ишга тушиши билан икки минг кишининг бандлиги таъминланади.

### «Когон Нур Текс» маҳсулотлари Европада ҳам харидоргир

Бандлик масаласига бежиз тўхталмадик. Когон туманидаги Жанафар қишлоғида истиқомат қилувчи Маржона Ҳалимова бундан ўн йилча муқаддам касб-ҳунар коллежини тугатганди. Афсуски, ўзига мос иш тополмади. Ўшанда қишлоқда иш деганлари анқонинг уруғи эдида. Охир-оқибат ҳафсаласи пир бўлди. Бу орада қўл-оёғи чаққон қизни сўроқлаб, совчилар кела бошлади. Турмушга чиқди, фарзандли бўлди.

— Қўшни Туткунда маҳалласида замонавий корхона иш бошлагани мен каби ёшлар учун айни муддао бўлди, — дейди у. — Ҳозир шу ерда меҳнат қиляпман. Устозим Ойдин Нуровадан дастгоҳларда ишлаш сирларини ўргандим. Рўзғоримга фойдам тегаётганидан хурсандман, албатта.

Фаолиятини 2011 йилда 30 киши билан бошлаган корхонада айни дамда 150 дан зиёд ишчи-ходимлар меҳнат қилмоқда. Улар сафида Когондан чамаси 60 — 65 километр олисдаги Шофиркон туманидаги Сўфиён қишлоғида вояга етган Фарҳод Ражабов ҳам бор.

— "Когон Нур Текс" корхонасида уста вазифасини бажаряпман, — дейди у. — Замонавий дастгоҳларнинг бир маромда ишлашини назорат этиб бораман. Шофиркондан кунора қатнаб меҳнат қилиш осон эмас. Шуни инобатга олиб, корхонамиз мен каби олисдан қатнаб ишловчилар учун ётоқхона барпо этган.

Эътиборлиси, ана шундай ёш, интилувчан қишлоқ йигит-қизлари қўлида оддий ипдан тайёр матога айланаётган маҳсулотлар Европа бозорларига дадил кириб бормоқда. Корхона мижозлари қаторида Туркия, Россия, Беларусь Республикасидан ташқари Венгрия, Польша, Италия каби давлатларнинг буюртмачилари бор. Муҳими, алоқалар жуғрофияси тобора кенгаймоқда. Бу — корхонада модернизация ишларининг амалга оширилгани, маҳсулот сифатининг жаҳон стандартлари даражасида эканлиги, қолаверса, маркетинг ишлари натижасидир.

"Когон Нур Текс" Европада ўтаётган нуфузли халқаро кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси саналади.

— Ҳозир 20 дан зиёд турдаги матолар ишлаб чиқаряпмиз, — дейди корхона таъсисчиси Дурбек Тўраев. — Ойига 700 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинмоқда. Яна бир бизнес лойиҳани амалга ошириш арафасидамиз. У 300 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш имконини беради.

### Тараққиётнинг тамал тоши

Ғиждувон туманида аҳоли сони нисбатан кўп. Уй-жойга эҳтиёжманд ёш оилалар ҳам оз эмас. "Барака" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Янги Ўзбекистон" массивининг қад ростлагани улар орзу-ниятларининг ушалиши сари йўл очди.

— "Инсон қадри учун" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган замонавий массивда 2 580 та хонадонга мўлжалланган шинам, яшаш учун қулай уйлар қурилгани кўнглимизни ғурурга тўлдирди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Шуҳрат" медали соҳиби Негмурод Гулиев. — Шу шаҳарча сабаб саҳрода қайноқ ҳаёт нафаси уфурди. Бунга мен "бунёдкор юрт баҳори" дея таъриф берган бўлар эдим.

Эътиборлиси, массивга элтадиган "Зарафшон тракти" автомобиль йўлининг 13 километрлик қисми асфальтланяпти. Бетон қопламали пиёдалар йўлаги барпо этилди. Йўл атрофида инфратузилма объектлари қуриляпти.

— Бугина эмас, туманимиздаги Кўлижаббор маҳалласи "Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла" мезони асосида амалга оширилган ишлардан кейин файзли гўшага айланди, — дейди Ўзбекистон халқ устаси Абдулла Нарзуллаев. — "Улфатбиби", "Гулистон", "Ҳавзак", "Сармижон" маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам инфратузилма ўзгарди, муҳандислик-коммуникация тармоқлари янгиланди, йўллар таъмирланди. Бу каби ишлар биз, ҳунармандлар учун ҳам айни муддаодир. Чунки Абдухолиқ Ғиждувоний қадамжосини зиёрат этгани, қолаверса, Ғиждувон кулолчилик мактаби намуналарини кўриш учун хориждан сайёҳлар тез-тез келиб туришади. Улардан "Обод юртнинг, қўлигул халқнинг фарзандларисиз. Ғиждувонийлар авлодидан эканингиз шундоқ кўриниб турибди", деган сўзларни эшитиш ғоят мароқли.

Яна бир гап. Ғиждувонда ип йигирув фабрикасининг номи бор эди-ю, ўзидан асар ҳам қолмаганди. Президентимиз 2017 йилда вилоятга ташрифи чоғида собиқ фабрика ҳудудидан самарали фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратганди. Шундан сўнг "Parvoz Xumo Ravnaq Trans" масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ташаббус билан чиқишди. Улар қисқа вақт оралиғида тўққиз гектардан зиёд бу ҳудудни саноат шаҳарчасига айлантиришди. Йилига 9400 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ташаббускорлари унинг иккинчи босқичини ҳам барпо этди. Натижада юзлаб оилаларнинг рўзғорига барака кирди.

Ташаббус — тараққиётнинг тамал тоши, деганлари шу эмасми?!

### Обод манзил зиёси

— Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига келганимда руҳим енгил тортади, — дейди андижонлик зиёратчи, меҳнат фахрийси Мастура Эргашева. — Қадамжодаги ободончилик ишларини кўриб ич-ичимдан суюнаман, шу хайрли иш бошида турганлар ҳаққига дуо қиламан. Зиёратгоҳнинг бундан ўттиз — ўттиз беш йил аввалги ҳолати билан ҳозиргисини хаёлан таққослаб, кўнглимда шукроналик ҳиссини туяман. Тариқатининг асосида "Қўлинг ишда, кўнглинг Аллоҳда бўлсин", деган ўлмас шиор ётган бобокалонимиз панду насиҳатларини ҳар бир киши юрагига муҳрласин, дейман.

Чиндан ҳам, шўро тузуми даврида бу муқаддас гўша хароб аҳволга тушган, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қабри, Шоҳлар хилхонаси, масжид, муқаддас сув сақланадиган саққохона, хонақолар нураб қолган, не-не зотларга сўнгги макон бўлган манзил қамишзору юлғунзорга айланганди.

Истиқлол шарофати билан бу ҳолатга барҳам берилди. Яқинда эса Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳининг асл қиёфасини тиклаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Чунончи, Тоқи Миёна дарвозаси, Дониёлбий оталиқ мадрасаси тарихий кўринишига келиши учун қурилиш-таъмирлаш юмушлари бажарилди. 100 зиёратчига мўлжалланган эркаклар ва аёллар таҳоратхонасини қайта қуриш, Даҳмаи Шоҳон зиёратгоҳини реконструкция қилиш чора-тадбирлари кўрилди.

— Бу ердаги ҳар бир ёдгорлик халқимизнинг илму маърифатга ташна, эътиқодда собит, шунингдек, бағрикенг, инсонпарвар бўлганидан дарак беради, — дейди ёш олим Шавкат Бобожонов. — Мана, Бухоро хонларининг сўнгги вакили Дониёлбий оталиқни олиб кўрайлик. У 1775 йилда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қадамжоси ҳудудида учта бино барпо этган. Булар мўъжаз мадраса, масжид ва ногиронлиги борлар учун алоҳида кичик хайрияхона, яъни ногиронлиги бўлганлар уйидир. Уларни қурдириш ва келгуси таъминоти учун Дониёл оталиқ кўчмас мулк сифатида экин ерлари, боғ ва работлар, ҳовли ҳамда тегирмонлар сотиб олган. Мулкни эса бунёд этилган муассасаларга вақф, яъни хайрия ишлари учун ажратилган мол-дунё сифатида тақдим қилган. Бинобарин, Дониёлбий оталиқ мадрасасининг асл ҳолига келтирилиши юртимизда миллий ва диний қадриятларимиз кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётганининг тасдиғидир.



### Ҳар тўкисда бир айб

Вилоятда амалга оширилаётган хайрли ишларга соя ташлаётган, кўнгилни хира қилаётган ҳолатлар ҳам афсуски, йўқ эмас. Масалан, Шофиркон туманида ўзлаштирилмаган жуда катта ҳажмдаги қум-шағал захиралари мавжуд. Аниқланишича, шағал қазиб, сотиш билан машғул карьер хўжаликларидан 2023 йилда маҳаллий бюджетга атиги 4 миллиард сўм солиқ тўловлари ундирилган. Ваҳоланки, ҳисоб-китобларга кўра, бир ойнинг ўзида 3,3 миллиард сўм солиқ ундириш имконияти мавжуд. Бунинг устига ноқонуний ва меъёрдан ортиқча юк ташилиши оқибатида бир қатор маҳаллалар ҳудудидан ўтувчи йўл ва кўприклар яроқсиз аҳволга келган.

Ёки бошқа бир мисол. Вилоят болалар кутубхонаси бундан 86 йил муқаддам қурилган, мослаштирилган бинода фаолият юритмоқда. Авария ҳолатидаги иншоотда 67 мингта китоб сақланяпти. Янги бино қуриш масаласи долзарб бўлиб турган паллада вилоят масъуллари қоғозбозлик билан банд.

Қолаверса, Ғиждувон тумани болалар ахборот-кутубхона маркази ҳам неча йилдирки, бинога ёлчимай келмоқда. Унга айни пайтда бир пайтлар маҳаллада кексалар чойхонаси бўлган бино бошпана вазифасини ўтаяпти.

Янада ачинарли аҳволни Бухоро вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонасининг Шофиркон филиалида кўриш мумкин. 1947 йилда қурилган бинонинг (агар бино дейиш мумкин бўлса!) пойдевори дарз кетган. Иморатнинг ён томонида тирговуч сифатида ғиштдан тикланган деворлар адойи тамом бўлган. Кутубхонада ўтирганни юрак бетламайди. Туманда сўнгги ўн — ўн беш йилда бир неча бор ҳокиму унинг ўринбосарлари ўзгарди. Аммо ушбу кутубхонанинг аҳволи яхши томонга ўзгармади.

Савол туғилади: мутасаддилар учун кўзи ожиз инсонларнинг бирдан-бир овунчоғи, юракка яқин ҳамроҳи китоб эканини англаш шу қадар қийинми?!

Юқоридагилардан кўринадики, вилоятда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар билан бир қаторда ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар оз эмас. Уларни ҳал этиш, одамларни ҳаётдан рози қилиш йўлида камарбаста бўлмоқ ҳар бир масъулнинг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашишига, сектор раҳбарлари, "маҳалла еттилиги" ҳамда депутатларнинг ҳамжиҳатлигига, жонкуярлигига, шу билан бирга, жамоатчилик назоратига боғлиқлигини унутмасак бўлгани...

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Жорий йил 1 июндан бошлаб «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларида ижтимоий, психологик ва юридик хизматлар кўрсатилади.**

# ҚАЛБДА ҚУВОНЧ, ТИЛДА ШУКРОНАЛИК

## МУБОРАК ҲАЖ ИБОДАТИНИ АДО ЭТИШ УЧУН САУДИЯ АРАБИСТОНИДА БЎЛИБ ТУРГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

*Айни кунларда минглаб юртдошларимиз муборак ҳаж сафарига йўл олмоқда. Бундай бахтга ноил бўлиб, муборак заминга етиб борган ватандошларимиз Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррама шаҳарларида тоат-ибодат, зиёрат ва дуои хайрлар билан машғул бўлиб туришибди. Уларга ҳавас ила боққан яна қанча ҳамюртларимиз муқаддас замин орзусини туймоқда.*

**Маънавият**



Шукрлар бўлсинки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кейинги йилларда умра ва ҳаж зиёрати учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ишлар қилиндики, неча минглаб инсонларнинг орзулари рўёбга чиқди. Айниқса, умра сафарига квоталарнинг олиб ташлангани, ҳаж квотаси 15 минг нафарга етказилгани халқимизни ниҳоятда қувонтирди. Бугун кўплаб юртдошларимиз муборак зиёратларни бекаму кўст адо этиб, улар учун яратилган имкониятлардан мамнун ҳолда, Аллоҳга беҳад шукроналар айтмоқда.

"Ҳаж — 2024" мавсуми ҳам юқори даражада ўтиши учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жидда шаҳридаги Бош консулхонасининг "Ҳаж" ва "Умра" ишлари бўйича атташеси томонидан кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Хусусан, мавсумга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида дастлабки ишчи гуруҳ Саудия Арабистонига бориб, Макка ва Мадина шаҳарларидаги меҳмонхоналарда жойлар ҳозирлади, зиёратчилар учун барча қулайликни яратишга интилди. Мино, Арафот ва Муздалифада ҳожиларимиз учун алоҳида масканлар ажратилди. Шу билан бирга, авиақатновлар жадвали тасдиқланди, виза расмийлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди.

Ҳаж сафарини ният қилган юртдошларимизнинг дастлабки гуруҳи 23 май куни муқаддас замин томон йўл олди.

Шу кунларда "Ҳаж" дастури доирасида мамлакатимизнинг 10 та минтақавий халқаро аэропортидан, хусусан, Тошкент, Наманган, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Навоий, Нукус ва Урганч шаҳарларидан зиёратчилар Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрига етказилмоқда. Юртдошларимиз 23 майдан 7 июнга қадар Мадинага боришса, Жиддадан мамлакатимизга қайтиш учун парвозлар 22 июндан 12 июлга қадар амалга оширилади.

Жорий йилда жами 124 та чартер йўловчи парвози орқали 15 минг 130 нафар зиёратчини ташиш режа қилинган. Аэропортларда рўйхатдан ўтиш вақтида йўловчилар иссиқ нонушта билан таъминланмоқда. Парвоз давомида эса тансиқ таомлар тарқатиляпти.

Айни кунларда ҳожиларимиз дастлаб Мадина шаҳрига бориб, Масжиди Набавийдан 100 метр узоқликда жойлашган беш юлдузли "Зам-зам Пуллман" меҳмонхонасида иззат-икром ила кутиб олинмоқда, уларга зам-зам сувлари, хурмо, ширинликлар ва ҳадялар улашиляпти. Зиёратчиларимиз меҳмонхоналарга жойлашганидан сўнг ихлос билан ибодатларни адо этишга киришмоқда. Хусусан, Масжиди Набавийда намоз ўқиш бахтига муяссар бўлиб, Равзаи муборакни зиёрат қилишга ошиқмоқда.

Бу бежиз эмас. Муқаддас китобларда Масжиди Набавийда ўқилган бир ракат намозга минг ракат намознинг ажру савоблари берилиши таъкидланган. Равзаи шарифга кирган киши ўзини ўзгача ҳис этади. Чунончи, Набий алайҳиссалом муборак ҳадисларида: *"Уйим ва минбарим ўртасида жаннат боғларидан бир боғ бор"*, деганлар (Имом Бухорий ривояти). Дарҳақиқат, шундай.

Юртдошларимиз Мадинаи мунавварадаги уч кунлик сафари давомида Масжиди Набавийда кундалик беш вақт намозларини адо этиш билан бирга ислом тарихида машҳур Уҳуд тоғида, Қуръони каримда тақвога асосланган дея таърифланган илк масжид "Қубо", икки қиблали масжид — Масжидул қиблатайн сингари муборак қадамжоларни ҳам зиёрат қилаётир.

Ҳожиларимиз турган меҳмонхонада барча шароит ҳозирланган. Ҳар бир хонада кийим жавони, стол-стул, телевизор, музлаткич, қибла кўрсаткичи, жойнамоз, Қуръони карим бор, замонавий совитиш ускуналари ишлаб турибди. Ошхонада ибодатга қувват бўладиган уч маҳал таомлар, сархил мевалар, ширинликлару шарбатлар муҳайё.

Тиббиёт маркази ва Ўзбекистон ишчи гуруҳи штабидаги шифокор ва масъуллар 24 соат давомида узлуксиз зиёратчилар хизматида. Бу ҳамюртларимизнинг муборак заминдаги ҳар бир они мазмунли ўтиши, ғанимат кунларининг ҳар сонияси унумли ва улкан ажр-савобларга ноил бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳожиларимизнинг юз-кўзларида қувонч ва ҳаяжон, шукроналик туйғулари балқиб турибди.

**Дилором Ҳакимова:**

— Бундай муқаддас жойга келиш насиб этганидан ниҳоятда хурсандмиз. Бунинг учун Аллоҳга беҳад шукроналар айтамиз. Бунга сабабчи бўлган ташкилотчиларга раҳмат! Бу ерда шинам, ҳар томонлама қулай меҳмонхонага жойлашдик. Биз учун ҳамма имконият ҳозирланган. Уч маҳал тансиқ таомлар тайёрланиб, тортиқ этилмоқда. Шунингдек, тиббий ходимлар саломатлигимизни доимий назорат қилиб туришибди. Ушбу хайрли ишлар замирида ҳукуматимиз кўмагини ҳар томонлама ҳис этяпмиз.

**Шоира Исҳоқова:**

— Бир неча йиллар олдин умра амалини бажаришга келганимда қулайликлар бу даражада эмас эди. Лекин бу сафар ҳаж зиёратига келиб, ниҳоятда тўлқинланиб кетдим. Зиёратчиларни эҳтиром билан кутиб олиш, хизматдагиларнинг гўзал муомаласи, меҳмонхонадаги шарт-шароитлар барчанинг кўнглига хуш ёқадиган, кўзларини қувнатадиган даражада. Бунинг учун, аввало, Президентимизга ва масъулларга ташаккур айтамиз.

**Саидхон Махсумов:**

— Аллоҳга шукрлар бўлсинки, орзиқиб кутган кунларга етдик. Тасаввур қилинг, бир вақтлар саноқли инсонларга бу бахт насиб этган бўлса, бу йил юртимиздан 15 мингдан зиёд ватандошларимиз муборак диёрга ҳаж ниятида келмоқда. Умра ибодатини адо этаётганларнинг эса сон-саноғи йўқ. Яна бир эътиборли жиҳати, дунё мусулмон мамлакатлари орасида фақат олти давлатдангина зиёратчилар Мадинага тўғридан-тўғри учиб келмоқда. Ўзбекистон ҳам ана шулар қаторида. Бошқа юрт фуқаролари эса бир неча юз километр масофа босиб, Мадинага келяпти. Биз эса юртимиздан самолёт орқали Мадинага тўғри келиб, ибодатларни бошлаб юбордик.

**Мирзаниёз Ражабий:**

— Алҳамдулиллаҳ, "Ҳаж — 2024" мавсумининг илк зиёратчилари сифатида Мадинаи мунавварага етиб келдик. Масжиди Набавийнинг шундоққина ёнидаги биз жойлашган муҳташам "Зам-зам Пуллман" меҳмонхонасида яратилган шароит ва имкониятлардан ҳар бир зиёратчи мамнун бўлиши турган гап. Бу барча ибодат ва зиёратларни бекаму кўст адо этишимиз учун муҳим. Ташкилотчилардан бағоят мамнунмиз.

**Муҳаммадолим МУҲАММАДСИДДИҚОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.**

---

**Омилкорлик**

# 100 МИНГ ТУП КАВРАК КЎЧАТИ

## йилига 200 миллион сўм даромад келтиради



Дунёда фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг тахминан 50 фоизи доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланмоқда. Кўпгина мамлакатларда, жумладан, юртимизда ҳам фармацевтика саноатининг изчил ривожланиши бундай корхоналарнинг доривор ўсимликларга бўлган талабини оширмоқда. Шу жиҳатдан Президентимизнинг 2018 йил 20 мартда қабул қилинган "Республикада каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хомашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу соҳадаги ишларни жадаллаштириб юборди.

Айниқса, Сурхондарё вилоятининг тоғолди ва чўл ҳудудларида табиий ҳолда ўсадиган ноёб ва доривор каврак хонакилаштирилиб, аҳоли томорқаларида етиштириш йўлга қўйилгани юқоридаги қарор ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шўрчи туманида аҳолининг аксарият қисми ўз томорқасида каврак парваришлаш билан машғул. Туманнинг Бобур номидаги маҳаллада яшовчи, машҳур томорқачи Холбой Қурбонов 7 сотих жойдаги 114 туп олма дарахти орасида 7400 туп каврак парваришламоқда. Томорқачи юқори ҳосил олиш учун, аввало, илмий ёндашувга асосланган тавсияларга таяниб иш кўряпти. Бундан ташқари, ўзи тайёрлаган 100 минг туп каврак кўчатини сотиб, 200 миллион сўм даромад олишни ҳам кўзлаб турибди.

— Каврак, халқ тилида ковул деб юритилувчи ўсимликни бугун билмаган киши бўлмаса керак, — дейди Х. Қурбонов. — Ковулдошлар оиласига мансуб ушбу ўсимлик яримбута шаклида, поя ва шохчалари ётиқ, барги тухумсимон, гули йирик, оқ ёки оч пушти, меваси қизил этли, кўп уруғли бўлади. Ҳозирги кунда 2,5 сотих жойда каврак кўчати парваришлаб, томорқачиларга етказяпмиз. Томорқамиздаги кавракни кўрган қўни-қўшнилар ҳам бу доривор ўсимликни хонадони томорқасига экишга қизиқиб қолишди. Бажонидил, баъзи ҳолларда уларнинг уйига бориб, кўчатни ўзим экиб беряпман. Аслида, каврак ўстиришнинг меҳнати оғир эмас. Аммо эътиборсизлик қилинса, кўчат тезда нобуд бўлиши мумкин. Энг асосийси, сувсизликка чидамли бу ўсимликни парваришлашда барча агротехника талаблари ўз вақтида бажарилса, беш йилда ҳосилга киради.

Сурхондарё вилоятида 8 минг гектар ерда каврак парваришланмоқда. Бу ноёб ва доривор ўсимлик экилган майдонларни кўпайтириш ва экспорт ҳажмини оширишга катта эътибор қаратиляпти. 2023 йилда вилоятда 120 тонна ҳосил йиғиштириб олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 300 тоннага етказиш кўзда тутилган.

**Нигина ШОЕВА,**
**журналист.**

---

# ЯНГИ БИЛИМЛАР — ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДЕБОЧАСИ

*Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтган "Илм-фан оромгоҳи"нинг 2-мавсуми мамлакатимизнинг турли ҳудудларида тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган ҳамда таълим олаётган хотин-қизларнинг илмий салоҳиятини ошириш ва рағбатлантиришга қаратилди.*

*Уч кун мобайнида бўлиб ўтган бу галги тадбир ҳам ўзига хос руҳда кечди. Унда мамлакатимиз вилоятлари, шаҳар ва туманларидан келган 120 нафар тадқиқотчи хотин-қиз қатнашди. Малакали мутахассислар томонидан ўтказилган семинар ва учрашувлар, ўқув машғулотлари, турли спорт тадбирлари улар учун янги билимларни эгаллаш, мазмунли ҳордиқ чиқариш имконини берди.*

**Таълим ва тараққиёт**



**Нилуфар МАТКАРИМОВА,**
**Ёшлар ишлари агентлиги масъул ходими, лойиҳа раҳбари:**

— Оромгоҳнинг 1-мавсуми 2023 йилда ташкил этилиб, унда 110 нафар илмий тадқиқот билан шуғулланиб келаётган докторант, магистр ва талаба, шунингдек, малакали мутахассис қатнашганди. Мазкур лойиҳа ёшларнинг когнитив имкониятларини рағбатлантириш, илмий салоҳиятларини оширишга қаратилганига қарамай, оромгоҳнинг 5 кунлик дастурида улар учун "Мунозара" ва "Шахмат" интеллектуал ўйинлари, эстафета мусобақалари, "Қувноқлар ва зукколар" танлови, "Олима қизлар театр студияси", масофага сузиш бўйича беллашув ҳамда "Ижодкор олималар" танловлари ташкил этилганди. Шунингдек, тадбир давомида иштирокчи аёл-қизларнинг ўрганган кўникмалари, эгаллаган билимларини баҳолаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида "Энг инновацион лойиҳа" ва "Мақолалар танлови" ўтказилган, ғолиблар муносиб мукофотланганди.

Бу гал эса 640 нафар хотин-қиз қатнашиш истагини билдириб ариза топширди, улардан энг саралари лойиҳа иштирокчисига айланди. Тадбир давомида тиббиёт соҳасида ишлаётган ва ўқиётган хотин-қизлар соҳага оид янги кўникма ва малакаларни эгаллади. Ишонамизки, ушбу оромгоҳда олинган сабоқлар қатнашчиларга келажакда, албатта, қўл келади, янги марралар сари одимлашга туртки беради.

**Лола АБДУҚОДИРОВА,**
**Тошкент тиббиёт академияси доценти, тиббиёт фанлари номзоди:**

— Оромгоҳдаги барча йиғилиш ва мулоқот қизғин руҳда кечди. Ёшларга баҳоли қудрат билимларимизни ўргатдик, уларнинг маҳорати ошишида кўмакчи бўлдик.

Биласиз, инсон ўзини доимий янгилаб турмаса, янги илм ва кўникмалардан, қисқача айтганда, замондан ортда қолиши ҳеч гап эмас. "Илм-фан оромгоҳи"нинг мақсади ҳам айнан шу — ёшларга катта авлод вакилларининг маҳоратини ўргатиш, шунинг баробарида уларнинг камол топиши ҳамда яхши кадр сифатида шаклланишига кўмак беришдир.

Оромгоҳда "Мақсадли таълим — сифатли натижа" мавзуида ўқув-семинар ташкил этдик. Шунингдек, ўқув машғулотлари давомида навқирон авлод вакилларига ҳозирги пайтдаги экологик муаммолар ва ечимлари, соғлом турмуш тарзи борасида ҳам қимматли маълумотлар бердик.

Ёшлар талабчан, илмга, ўрганишга иштиёқманд. Суҳбатларимиз чоғида ниманидир илғаб олишдими, дарҳол ён дафтарига қайд этишди, тушунмаган нарсасини тортинмасдан сўрашди. Бу уларнинг катта ютуғи, истардимки, уни ҳеч қачон йўқотишмасин.

**Зарнигор ТЕШАЕВА,**
**Навоий давлат педагогика институти талабаси:**

— Лойиҳа иштирокчисига айланганим ҳақида эшитиб кўнглим тоғдек кўтарилди, кейин ўзим учун анчадан бери устозлардан сўрашни ният қилиб юрган саволлар рўйхатини туздим.

Очиғи, оромгоҳдаги уч кун қандай ўтганини сезмай қолдик. Ҳар кун биз учун янги билимлар олиш имконини тақдим этди, устозлар билан яқиндан суҳбатлашдик, керакли тавсияларга эга бўлдик. Бу ерда ўрганган сабоқларимиз иш ва илмий фаолиятимизга бирдай фойдали.

Хусусан, филология фанлари доктори, профессор Гулноза Одилованинг хотин-қизлар ҳаётида "Илм ва оила уйғунлиги" мавзуидаги ўқув семинари биз учун жуда аҳамиятли бўлди. Унда устозимиз илмий иш қилишда айнан нималарга эътибор беришимиз кераклиги, қандай сайтлардан фойдалансак, тўғри бўлиши хусусида маълумотлар берди.

Тадбирлар якунида ҳар бир гуруҳнинг энг фаол қатнашчилари алоҳида эътироф этилиб, эсдалик совғалар билан тақдирланди. Улар орасида каминанинг ҳам борлиги, устозлар назарига тушганим руҳимни янада кўтарди. Олдимга янги мақсадлар қўйиб, уларнинг рўёби сари олға интилавераман.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

---

# Бокуда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Сўз латофати» номли китобининг озар тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди

*Шу йилнинг 24 — 31 май кунлари Боку шаҳрида Учинчи туркий дунё адабиёти ва китоблари фестивали бўлиб ўтмоқда.*

*Эътиборлиси, фестивалнинг ҳар бир куни битта мамлакат адабий муҳитига бағишланмоқда. Жумладан, 25 май куни "Ўзбекистон куни" бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Озарбайжон олимлари, илм-фан намояндалари иштирок этди.*

**Биз ва жаҳон**

"Ўзбекистон куни"ни Озарбайжон Миллий фанлар академияси президенти Иса Габиббейли очиб берди. У сўнгги йилларда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг мустаҳкамланишида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиевнинг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

"Сўнгги йилларда озар-ўзбек илмий ва адабий алоқалари ҳам янги босқичга кўтарилди. Зеро, икки мамлакатнинг тарихий илдизлари, маданияти, тили ва адабиёти жуда яқин. Ўн йилдан ортиқ вақт давомида академиямизда ўзбек адабиёти бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, икки мамлакат олимлари ва адабиётшунослари иштирокида турли мавзудаги тадбирлар ўтказиш мунтазамлик касб этмоқда", деди у.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг "Сўз латофати" номли китобининг озар тилига таржима қилинган нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда элчи Баҳром Ашрафхонов сўзга чиқиб, Ўзбекистонда илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини изчил ривожлантириш, илм ва ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, китобхонлик маданиятини ошириш каби вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганини маълум қилди.

"Ўзбек халқининг атоқли шоири Эркин Воҳидов тарихимиз ва адабиётимиз шуҳратини чет элларга ёйишга катта ҳисса қўшди. Шоир ижодида инсон ва жамият ҳаётининг кўплаб муҳим муаммолари чуқур, ҳаққоний тарзда акс эттирилган, шунингдек, ўзбек халқининг буюк тарихий ўтмиши кенг тасвирланган", деди дипломатик миссия раҳбари.

Тадбир якунида озарбайжонлик адабиётшунос олимлар билан қўшма лойиҳалар ва адабий кечаларни биргаликда ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди.

**«Дунё» АА.**
Боку

---

РЕКЛАМА

**«New Life sug'urta kompaniyasi» АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида**

**ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОР!**

"New Life sug'urta kompaniyasi" акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг шу йил 29 майдаги қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2024 йил 25 июнь куни Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳкўчаси, 47-уйда жойлашган жамиятнинг бош офиси биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Соат 10:30 дан акциядорлар рўйхатга олинади ва бу юмуш соат 10:55 да якунланади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2024 йил 19 июнь ҳолатига тузилади.

Электрон почта манзили: info@nli.uz.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
2. Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида;
3. Жамият фаолиятининг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, аудиторлик ташкилотининг 2023 йил якуни бўйича хулосаларини тасдиқлаш тўғрисида;
4. Жамият томонидан 2023 йил якунлари бўйича кўрилган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида;
5. Жамият бош директори ваколатини узайтириш тўғрисида;
6. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий ташқи аудитни ўтказиш мақсадида 2024 йил учун аудиторлик компаниясини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида;
7. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда аффилланган шахслар билан жорий хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимларни олдиндан маъқуллаш тўғрисида;
8. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
9. Жамият Уставига ўзгартириш киритиб, янги таҳрирда тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан жамият маъмурий биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишиш мумкин.

**Маълумот учун телефон: 71-203-99-77.**

**Кузатув кенгаши.**

---

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва бир қатор вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлигида «Жадид маърифатпарварларининг ўзбек адабий тили ривожидаги ўрни» мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.12 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6